ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Математика факультети

Амалий математика ва информатика кафедраси

«Амалий математика ва информатика» таълим йўналишининг IV курс талабаси

Жолдасов Байрам Айтбаевичнинг

Битирув малакавий иши

Мавзу: ЧАТС ларни ечишнинг прогонка методлари ва уларнинг қўланишлари

Илмий раҳбари: **доц. Атаджанов Ҳ.Л.**

Кафедра мудири: **доц. Ешмуратов Ш.**

Нукус-2011

Мундарижа

КИРИШ

Математик анализ, дифференциал ва интеграл тенгламаларнинг кўпчилик масалаларини ечиш чизиқли алгебра масаласини ечишга, асосан чизиқли алгебраик тенгламалар системаларини (ЧАТС) ечишга олиб келинади. ЧАТС

$$a_{11} x_1 + a_{12} x_2 + ... + a_{1n} x_n = b_1$$
$$a_{21} x_1 + a_{22} x_2 + ... + a_{2n} x_n = b_2$$
$$...$$
$$a_{n1} x_1 + a_{n2} x_2 + ... + a_{nn} x_n = b_n$$

кўринишда ёки

$$Ax=b$$

матрица кўринишда берилади. Бу ерда

$x = (x_1 , ..., x_n)^t$, $b = (b_1 , ..., b_n)^t$, $A = (a_{ij})$ $i,j=1,2,...,n$

Агар $det(A) \neq 0$ бўлса, тенгламалар системаси аниқ бир ечимга эга бўлади. ЧАТС ечиш методлари тўғри ва итерация методлари бўлиб икки типга бўлинади.

Агар метод чекли сондаги амалларни бажарганда ЧАТСнинг аниқ ечмини берса, у тўғри метод деб айтилади. Тўғри методларни компьютерда қўлланганда ҳақиқий сонларни компьютер ядида чекли ўнли каср шаклида тасвирланиши билан боғлиқ бўлган ҳисоблаш хатоликлари юзага келади.

Агар метод ЧАТС нинг аниқ ечимга кетма-кет яқинлашувчи тахминий ечимларини бир хил схема бўйича хисоблаш услубини берса, у итерация методи деб айтилади. Бунда аниқ ечим тахминий ечимлар кетма-кетлигининг лимити сифатида аниқланади.

Кўпчилик техник масалалар матрицаси ноллик элементларга эга, нолдан фарқли элементлари эса маҳсус кўринишда жойлашган, масалан ленталли, квазиучбурчакли матрицали ЧАТСларини ечишга олиб келинади. Битириш малакавий ишда тўғри методлар қаторига кирувчи уч диоганалли матрицага эга ЧАТС учун прогонка методлари ўрганилади.

1-§. Прогонка методлари

Иккинчи тартибли дифференциал тенглама учун чегаралик масалаларни сонли ечиш, уч диоганалли матрицали ЧАТСларини ечишга олиб келинади. Агар матрицанинг асосий диоганали ва унга қўшни бўлган диоганаллардаги элементлардан бошқа барча элементлари нолга тенг бўлса, у ҳолда бу матрица уч диоганалли матрица деб айтилади. Прогонка методлари асосан уч диогоналли матрицали ЧАТСларини ечишга қўлланилади.

Агар $Ax = d$ ЧАТС уч диоганалли матрицага эга бўлса, уни қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{cases} b_1x_1 + c_1x_2 = d_1 \\ a_2x_1 + b_2x_2 + c_2x_3 = d_2 \\ \quad a_3x_2 + b_3x_3 + c_3x_4 = d_3 \\ \dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots \\ \qquad a_nx_{n-1} + b_nx_n = d_n \end{cases} \qquad (1)$$

ёки

$$a_ix_{i-1} + b_ix_i + c_ix_{i+1} = d_i\,, \quad i = \overline{1,n}, \quad a_1 = 0, \quad c_n = 0$$

Система матрицаси қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{pmatrix} b_1 & c_1 & 0 & 0 & \dots & 0 & 0 \\ a_2 & b_2 & c_2 & 0 & \dots & 0 & 0 \\ 0 & a_3 & b_3 & c_3 & \dots & 0 & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & 0 & 0 & \dots & a_n & b_n \end{pmatrix}$$

Бу системани ечишга Гаусс методининг бош элементни танлаб олиш схемасини қўлланиб бўлмайди. Сабаби системадаги тенгламаларни ўрнини алмаштирганда матрица тузилиши бузилади. Уч диоганналли матрицали тенгламалар системаларини ечишда Гаусс методининг хусусий ҳоли бўлган прогонка методлари қўлланилади. Прогонка методларида ҳам Гаусс методи бўлгани каби тўғи ва тескари юришларга эга бўлади. Прогонка методлари ўнг, чап, учрашувчи, оқимли, циклли ва матрицали прогонка бўлиб бўлинади

2-§. Ўнг прогонка методи

Бу бўлимда (1) тенгламалар системасини ечишнинг ўнг прогонка методини кўриб чиқамиз. Ўнг прогонка методида x_i номаълум ўзидан ўнг тамонда жойлашган x_{i+1} номаълум орқали

$$x_i = \alpha_i x_{i+1} + \beta_i, \quad i = \overline{1, n-1} \tag{2}$$

кўринишда ифодаланади. Бу ерда $\alpha_i, \beta_i, \quad i = \overline{1, n-1}$ аниқланиши керак бўлган прогонка коэффициентлари. (2) ифода $i = 1$ да $x_1 = \alpha_1 x_2 + \beta_1$ кўринишга келади. Иккинчи тамондан (1) тенгламалар системасининг 1- тенгламасидан

$$b_1 x_1 + c_1 x_2 = d_1 \Rightarrow x_1 = -\frac{c_1}{b_1} x_2 + \frac{d_1}{b_1}$$

тенгликга эга бўламиз. Бу икки тенгликни таққосласак

$$\alpha_1 = -\frac{c_1}{b_1}, \quad \beta_1 = \frac{d_1}{b_1}$$

келиб чиқади.

(1) тенгламалар системасининг 2- тенгламасидаги x_1 ни ўрнига унинг (2) ифодасини қўйсак қуйидагига эга бўламиз:

$$a_2 x_1 + b_2 x_2 + c_2 x_3 = d_2 \Rightarrow a_2(\alpha_1 x_2 + \beta_1) + b_2 x_2 + c_2 x_3 = d_2$$

ёки

$$x_2(a_2 \alpha_1 + b_2) = -c_2 x_3 + d_2 - a_2 \beta_1$$

Бу тенгликни x_2 қарата ечиб, $D_2 = a_2 \alpha_1 + b_2$ белгилашни киргитсак, у ҳолда

$$x_2 = -\frac{c_2}{D_2} x_3 + \frac{d_2 - a_2 \beta_1}{D_2}$$

тенглиги келиб чиқади. Бу тенгликни $x_2 = \alpha_2 x_3 + \beta_2$ ифода билан таққослаб,

$$\alpha_2 = -\frac{c_2}{D_2}; \quad \beta_2 = \frac{d_2 - a_2 \beta}{D_2}; \quad D_2 = a_2 \alpha_1 + b_2$$

бўлишини кўрамиз.

Шунга ўхшаш, (1) тенгламалар системасининг 3- тенгламасидан қуйидагиларга эга бўламиз:

$$a_3x_2 + b_3x_3 + c_3x_4 = d_3 \Rightarrow a_3(\alpha_2x_3 + \beta_2) + b_3x_3 + c_3x_4 = d_3$$

ёки

$$x_3(a_3\alpha_2 + b_3) = -c_3x_4 + d_3 - a_3\beta_2$$

x_3 қарата ечиб, $D_3 = a_3\alpha_2 + b_3$ белгилашни киргитсак, у ҳолда

$$x_3 = -\frac{c_3}{D_3}x_4 + \frac{d_3 - a_3\beta_2}{D_3}$$

Бу тенгликни (2) ифода билан таққослаб

$$\alpha_3 = -\frac{c_3}{D_3}; \quad \beta_3 = \frac{d_3 - a_3\beta_2}{D_3}$$

бўлишини кўрамиз. Бу ердаги қонуниятни ҳисобга олиб умумий ҳолда

$$D_i = a_i\alpha_{i-1} + b_i, \; \alpha_i = -\frac{c_i}{D_i}, \; \beta_i = \frac{d_i - a_i\beta_{i-1}}{D_i}, \; i = \overline{2, n-1}$$

тенгликларни ёзиш мумкин.

Бу тенглик $a_1 = 0$ бўлганликдан, $i = 1$ бўлганда ҳам тўғри бўлади.

(1) тенгламалар системасининг охирги тенгламасидан

$$a_nx_{n-1} + b_nx_n = d_n \Rightarrow x_{n-1} = -\frac{b_n}{a_n}x_n + \frac{d_n}{a_n}$$

Бу номалумни олдинги аниқланган $x_{n-1} = \alpha_{n-1}x_n + \beta_{n-1}$ ифодага қўямиз

$$\alpha_{n-1}x_n + \beta_{n-1} = -\frac{b_n}{a_n}x_n + \frac{d_n}{a_n}$$

Бу тенгликни x_n номаълумни аниқлаймиз

$$x_n = \left(\frac{d_n}{a_n} - \beta_{n-1}\right) \Big/ \left(\alpha_{n-1} + \frac{b_n}{a_n}\right)$$

Энди (2) формула ёрдамида қолган x_i номаълумларни аниқлаш мумкин.

(1) тенгламалар системаси матрицасининг диагональ элементлари модули бўйича бошқа элементларидан анча катта бўлса, яъни диагональ элементлари

$$|b_i| > |a_i| + |c_i|, \quad i = \overline{1,n}$$

шартларини қаноатлантирса, $D_i \neq 0$ бўлади. Ҳақиқатан ҳам $i = 1$ да

$$|b_1| > |a_1| + |c_1| = |c_1|$$

бўлиши келиб чиқади. У ҳолда

$$b_1 = D_1 \neq 0 \text{ ва } |A_1| = \left|\frac{c_1}{b_1}\right| < 1$$

келиб чиқади. $i = 1$ бўлганда $D_i \neq 0$ ва $|A_1| < 1$ бўлиши исботланди. Математик индукция бўйича $i = k-1, \quad 2 \leq i \leq n$ учун, бу муносабатлар бажарилади деб фараз қиламиз ва $i = k$ бу тасдиқни тўғрилигини исботлаймиз. Бу учун тенгсизликларни қуйидаги кетма-кетлигини ёзамиз:

$$|D_k| = |a_k\alpha_{k-1} + b_k| \geq |b_k| - |\alpha_{k-1}||a_k| \geq |b_k| - |a_k| > |c_k|$$

$|D_k| > |c_k|$ бўлганликдан, $D_i \neq 0$ келиб чиқади ва

$$|\alpha_k| = \left|\frac{c_k}{D_k}\right| < 1$$

бўлади. Исботланиши талаб этилгани ҳам шу эди.

Прогонка коэффициентларини аниқлаш методнинг тўғри юриши деб айтилади. Тўғри юриш қуйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилади:

$$\begin{cases} \alpha_1 = -\dfrac{c_1}{b_1}, \quad \beta_1 = \dfrac{d_1}{b_1} \\ D_i = a_i\alpha_{i-1} + b_i, \; \alpha_i = -\dfrac{c_i}{D_i}, \; \beta_i = \dfrac{d_i - a_i\beta_{i-1}}{D_i}, \quad i = \overline{1,n-1} \end{cases} \qquad (3)$$

x_i номаълумларни аниқлаш прогонка методининг тескари юриши деб айтилади. Прогонко методининг тескари юриши қуйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилади:

$$\begin{cases} x_n = \left(\dfrac{d_n}{a_n} - \beta_{n-1}\right) \Big/ \left(\alpha_{n-1} + \dfrac{b_n}{a_n}\right) \\ x_i = \alpha_i x_{i+1} + \beta_i, \quad i = \overline{1,n-1} \end{cases} \qquad (4)$$

(2) ва (4) формулалар ўнг прогонка методининг алгоритимини беради. Ўнг прогонка методи алгоритмни схематик тарзда қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм):

$$\boxed{\alpha_1 = -\frac{c_1}{b_1}, \quad \beta_1 = \frac{d_1}{b_1}}$$

$$\Downarrow$$

$$\boxed{\begin{array}{l} D_i = a_i \alpha_{i-1} + b_i, \\ \alpha_i = -\dfrac{c_i}{D_i}, \ \beta_i = \dfrac{d_i - a_i \beta_{i-1}}{D_i}, \ i = \overline{1, n-1} \end{array}}$$

$$\Downarrow$$

$$\boxed{x_n = \left(\frac{d_n}{a_n} - \beta_{n-1} \right) \Bigg/ \left(\alpha_{n-1} + \frac{b_n}{a_n} \right)}$$

$$\Downarrow$$

$$\boxed{x_i = \alpha_i x_{i+1} + \beta_i, \ \ i = \overline{1, n-1}}$$

1-расм. Ўнг прогонка методи алгоритми

Мисол. Тенгламалар системасини ўнг прогонка методи билан ечинг:

$$\begin{cases} 2{,}05x_1 + 1{,}07x_2 = 1{,}78 \\ 1{,}83x_1 + 2{,}42x_2 - 1{,}02x_3 = 2{,}45 \\ -3{,}49x_2 + 1{,}51x_3 = 3{,}26 \end{cases}$$

Ечиш:

Прогонка коэффициентларини ҳисоблаймиз:

$$\alpha_1 = -\frac{c_1}{b_1} = -\frac{1{,}07}{2{,}05} = -0{,}522$$

$$\beta_1 = \frac{d_1}{b_1} = \frac{1{,}78}{2{,}05} = 0{,}868$$

$$D_2 = a_2\alpha_1 + b_2 = 1{,}83 \cdot (-0{,}522) + 2{,}42 = 1{,}465$$

$$\alpha_2 = -\frac{c_2}{D_2} = -\frac{-1{,}02}{1{,}465} = 0{,}696$$

$$\beta_2 = \frac{d_2 - a_2\beta_1}{D_2} = \frac{2{,}45 - 1{,}83 \cdot 0{,}868}{1{,}465} = 0{,}588$$

Ноъмалум x_i ларни ҳисоблаймиз

$$x_3 = \left(\frac{d_3}{a_3} - \beta_2\right) \Big/ \left(\alpha_2 + \frac{b_3}{a_3}\right) = \frac{d_3 - a_3\beta_2}{a_3\alpha_2 + b_3} = \frac{3{,}26 - 3{,}49 * 0{,}588}{1{,}51 - 3{,}49 * 0{,}696} = -5{,}77$$

$$x_2 = \alpha_2 x_3 + \beta_2 = 0{,}696 * (-5{,}77) + 0{,}588 = -3{,}431$$

$$x_1 = \alpha_1 x_2 + \beta_1 = -0522 * (-3{,}431) + 0{,}868 = 2{,}659$$

Система ечими:

$$X = \begin{bmatrix} 2{,}659 \\ -3{,}431 \\ -5{,}772 \end{bmatrix}$$

3-§. Чап прогонка

Бу бўлимда (1) тенгламалар системасини ечишнинг чап прогонка методини кўриб чиқамиз. Чап прогонка методида x_{i+1} номаълум ўзидан чап тамонда жойлашган x_i номаълум орқали

$$x_{i+1} = \xi_{i+1}x_i + \eta_{i+1}, \quad i = \overline{1, n-1} \tag{5}$$

кўринишда ифодаланади. Бу ерда $\xi_i, \eta_i, \quad i = \overline{1, n-1}$ аниқланиши керак бўлган прогонка коэффициентлари. (5) ифода $i = n-1$ да $x_n = \xi_n x_{n-1} + \eta_n$ кўринишга келади. Иккинчи тамондан (1) тенгламалар системасининг n- тенгламасидан

$$a_n x_{n-1} + b_n x_n = d_n \Rightarrow x_n = -\frac{a_n}{b_n}x_{n-1} + \frac{d_n}{b_n}$$

тенгликга эга бўламиз. Бу икки тенгликни таққосласак

$$\xi_n = -\frac{a_n}{b_n}, \quad \eta_n = \frac{d_n}{b_n}$$

келиб чиқади.

(1) тенгламалар системасининг *n-1*- тенгламасидаги x_n ни ўрнига унинг (5) ифодасини қўйсак қуйидагига эга бўламиз:

$$a_{n-1}x_{n-2} + b_{n-1}x_{n-1} + c_{n-1}x_n = d_n \Rightarrow a_{n-1}x_{n-2} + b_{n-1}x_{n-1} + c_{n-1}(\xi_n x_{n-1} + \eta_n) = d_n$$

ёки

$$x_{n-1}(c_{n-1}\xi_n + b_{n-1}) = -a_{n-1}x_{n-2} + d_n - c_{n-1}\eta_n$$

Бу тенгликни x_2 қарата ечиб, $D_{n-1} = c_{n-1}\xi_n + b_{n-1}$ белгилашни киритсак, у ҳолда

$$x_{n-1} = -\frac{a_{n-1}}{D_{n-1}}x_{n-2} + \frac{d_n - c_{n-1}\eta_n}{D_{n-1}}$$

Бу тенгликни (5) ифода билан таққослаб

$$\xi_{n-1} = -\frac{a_{n-1}}{D_{n-1}}; \quad \eta_{n-1} = \frac{d_n - c_{n-1}\eta_n}{D_{n-1}}$$

бўлишини кўрамиз. Бу ердаги қонуниятни ҳисобга олиб умумий ҳолда

$$D_i = c_i\xi_{i+1} + b_i, \ \xi_i = -\frac{a_i}{D_i}, \ \eta_i = \frac{d_{i+1} - c_i\eta_{i+1}}{D_i}, \ i = \overline{2,n}$$

тенгликларни ёзиш мумкин. $c_n = 0$ бўлганликдан бу тенгликлар $i = n$ бўлганда ҳам тўғри бўлади.

$i = 1$ да (5) ифодан $x_2 = \xi_2 x_1 + \eta_2$ ни берилган тенгламалар системасининг 1-тенгламага қўямиз:

$$b_1x_1 + c_1x_2 = d_1 \Rightarrow b_1x_1 + c_1(\xi_2 x_1 + \eta) = d_1$$

ёки

$$x_1 = (d_1 - c_1\eta_2)/(b_1 + c_1\xi_2)$$

энди кетма- кет (5) формула бўйича қолган x_i номаълумларни аниқлаш мумкин.

Чап прогонканинг тўғри юриши $i = n, n-1, \ldots, 1$ кетма-кетликда

$$D_i = c_i\xi_{i+1} + b_i, \ \xi_i = -\frac{a_i}{D_i}, \ \eta_i = \frac{d_{i+1} - c_i\eta_{i+1}}{D_i}, \ i = n-1, n-2, \ldots, 1 \qquad (6)$$

формула билан аниқланади. Тескари юриш бўлса

$$\begin{cases} x_1 = (d_1 - c_1\eta_2)/(b_1 + c_1\xi_2) \\ x_{i+1} = \xi_{i+1}x_i + \eta_{i+1}, \quad i = \overline{1, n-1} \end{cases} \qquad (7)$$

формула билан аниқланади. Чап прогонка методи алгоритмни схематик тарзда қуйидагича тасвирлаш мумкин (2-расм):

$$\boxed{\xi_n = -\frac{a_n}{b_n}, \quad \eta_n = \frac{d_n}{b_n}}$$

$$\Downarrow$$

$$\boxed{\begin{aligned} & D_i = c_i\xi_{i+1} + b_i, \\ & \xi_i = -\frac{a_i}{D_i}, \ \eta_i = \frac{d_{i+1} - c_i\eta_{i+1}}{D_i}, \\ & i = n-1, n-2, ..., 1 \end{aligned}}$$

$$\Downarrow$$

$$\boxed{x_1 = (d_1 - c_1\eta_2)/(b_1 + c_1\xi_2)}$$

$$\Downarrow$$

$$\boxed{x_{i+1} = \xi_{i+1}x_i + \eta_{i+1}, \quad i = \overline{1, n-1}}$$

2-расм. Чап прогонка методи алгоритми

Мисол. Тенгламалар системасини чап прогонка методи билан ечинг:

$$\begin{cases} 2,05x_1 + 1,07x_2 = 1,78 \\ 1,83x_1 + 2,42x_2 - 1,02x_3 = 2,45 \\ \qquad -3,49x_2 + 1,51x_3 = 3,26 \end{cases}$$

Ечиш: Прогонка коэффициентларини ҳисоблаймиз:

$$\xi_3 = -\frac{a_3}{b_3} = -\frac{-3,49}{1,51} = 2,311, \quad \eta_3 = \frac{d_3}{b_3} = \frac{3,26}{1,51} = 2,159$$

$$D_2 = c_2\xi_3 + b_2 = -1,02 * 2,311 + 2,42 = 0,063$$

$$\xi_2 = -\frac{a_2}{D_2} = -\frac{1,83}{0,063} = -29,272$$

$$\eta_2 = \frac{d_3 - c_2\eta_3}{D_2} = \frac{3{,}26 - (-1{,}02) * 2{,}159}{0{,}063} = 74{,}414$$

Ноъмалум x_i ларни ҳисоблаймиз

$$x_1 = (1{,}78 - 1{,}07 * 74{,}414)/(2{,}05 + 1{,}07 * (-29{,}272)) = 2{,}659$$

$$x_2 = \xi_2 x_1 + \eta_2 = -29{,}272 * 2{,}659 + 74{,}414 = -3{,}431$$

$$x_3 = \xi_3 x_2 + \eta_3 = 2{,}311 * (-3{,}431) + 2{,}159 = -5{,}772$$

Система ечими:

$$X = \begin{bmatrix} 2{,}659 \\ -3{,}431 \\ -5{,}772 \end{bmatrix}$$

4-§. Учрашувчи прогонка

Учрашувчи прогонка методи ўнг ва чап прогонка методларини ўзида бириктиради. $i = 1,2,...,k_0$ лар учун α_i, β_i ларни ўнг погонка билан, $i = k_0, k_0 = 1,...,n$ лар учун чап прогонка ёрдамида $\xi_i,\ \eta_i$ лар аниқланади.

$$\begin{aligned} x_i &= \alpha_i x_{i+1} + \beta_i,\ (i = \overline{1, k_0}) \\ x_{i+1} &= \xi_{i+1} x_i + \eta_{i+1},\ (i = \overline{k_0, n}) \end{aligned} \qquad (8)$$

Бу ерда ўнг ва чап прогонкада прогонка коэффициентларини аниқлаш учин келтириб чиқарган формулаларимиз ўз кучида қолади. k_0 нуқтада ўнг ва чап прогонка учрашади:

$$\begin{cases} x_{k_0} = \alpha_{k_0} x_{k_0+1} + \beta_{k_0} \\ x_{k_0+1} = \xi_{k_0+1} x_{k_0} + \eta_{k_0+1} \end{cases}$$

Бу системанинг иккинчи тенгламасидаги x_{k_0+1} ифодасини биринчи тенгламага қўйиб

$$x_{k_0} = \alpha_{k_0}(\xi_{k_0+1} x_{k_0} + \eta_{k_0+1}) + \beta_{k_0}$$

x_{k_0} ни аниқлаймиз

$$x_{k_0} = \frac{\alpha_{k_0}\eta_{k_0+1} + \beta_{k_0}}{1 - \alpha_{k_0}\xi_{k_0+1}}$$

Бу нисбат маънога эга бўлиши учун касрнинг махражи нолдан фарқли бўлиши керак:

$1-\alpha_{k_0}\xi_{k_0+1} \neq 0$ ёки $\alpha_{k_0}\xi_{k_0+1} \neq 1$

Қолган x_i номаълумларнинг қийматлари кетма-кет турда (8) формула ёрдамида аниқланади.

Учрашувчи прогонка алгоритми келтирамиз:

1. $\alpha_1 = -\frac{c_1}{b_1}, \quad \beta_1 = \frac{d_1}{b_1}$

2. $DO_i = a_i\alpha_{i-1} + b_i,$

$\alpha_i = -\frac{c_i}{DO_i}, \ \beta_i = \frac{d_i - a_i\beta_{i-1}}{DO_i}, \quad i = \overline{1, k_0}$

3. $\xi_n = -\frac{a_n}{b_n}, \quad \eta_n = \frac{d_n}{b_n}$

4. $DC_i = c_i\xi_{i+1} + b_i,$

$\xi_i = -\frac{a_i}{DC_i}, \ \eta_i = \frac{d_{i+1} - c_i\eta_{i+1}}{DC_i}, \quad i = \overline{n, k_0}$

5. $x_{k_0} = \frac{\alpha_{k_0}\eta_{k_0+1} + \beta_{k_0}}{1 - \alpha_{k_0}\xi_{k_0+1}}$

6. $x_i = \alpha_i x_{i+1} + \beta_i, \ i = k_0, k_0 - 1, ..., 1$

7. $x_{i+1} = \xi_{i+1}x_i + \eta_{i+1}, \ i = k_0, k_0 + 1, ..., n$

Учрашувчи прогонкани схематик турда қуйидагича тасвирлаш мумкин (3-расм):

$$\alpha_1 = -\frac{c_1}{b_1}, \quad \beta_1 = \frac{d_1}{b_1}$$

$$\xi_n = -\frac{a_n}{b_n}, \quad \eta_n = \frac{d_n}{b_n}$$

$$DQ_i = a_i\alpha_{i-1} + b_i,$$
$$\alpha_i = -\frac{c_i}{DQ_i}, \ \beta_i = \frac{d_i - a_i\beta_{i-1}}{DQ_i}, \ i = \overline{1,k_0}$$

$$DC_i = c_i\xi_{i+1} + b_i,$$
$$\xi_i = -\frac{a_i}{DC_i}, \ \eta_i = \frac{d_{i+1} - c_i\eta_{i+1}}{DC_i}, \ i = \overline{n,k_0}$$

$$x_{k_0} = \frac{\alpha_{k_0}\eta_{k_0+1} + \beta_{k_0}}{1 - \alpha_{k_0}\xi_{k_0+1}}$$

$$x_i = \alpha_i x_{i+1} + \beta_i, \quad i = k_0, k_0 - 1, \ldots, 0$$

$$x_{i+1} = \xi_{i+1}x_i + \eta_{i+1}, \quad i = k_0, k_0 + 1, \ldots, n$$

3-расм. Учрашувчи прогонка методи алгоритми

Мисол. Тенгламалар системасини учрашувчи прогонка методи билан ечинг:

$$\begin{cases} 3x_1 + x_2 = 1 \\ x_1 + 3x_2 + x_3 = 2 \\ x_2 + 3x_3 + x_4 = 3 \\ x_3 + 3x_4 + x_5 = 4 \\ x_2 + 3x_3 = 5 \end{cases}$$

Ечиш: $k_0 = [5/2] = 2$ деб олиб прогонка коэффициентларини ҳисоблаймиз:

$$\alpha_1 = -\frac{c_1}{b_1} = -\frac{1}{3} = -0{,}333$$

$$\beta_1 = \frac{d_1}{b_1} = \frac{1}{3} = 0{,}333$$

$$D_2 = a_2\alpha_1 + b_2 = 1 \cdot (-0{,}333) + 3 = 2{,}667$$

$$\alpha_2 = -\frac{c_2}{D_2} = -\frac{1}{2{,}667} = \text{-}0{,}375$$

$$\beta_2 = \frac{d_2 - a_2\beta_1}{D_2} = \frac{2 - 1\cdot 0{,}333}{2{,}667} = 0{,}625$$

$$D_3 = a_3\alpha_2 + b_3 = 1\cdot(-0{,}375) + 3 = 2{,}625$$

$$\alpha_3 = -\frac{c_3}{D_3} = -\frac{1}{2{,}625} = \text{-}0{,}381$$

$$\beta_3 = \frac{d_3 - a_3\beta_2}{D_3} = \frac{2 - 1\cdot 0{,}333}{2{,}625} = 0{,}905$$

$$\xi_5 = -\frac{a_5}{b_5} = -\frac{1}{3} = -0{,}333$$

$$\eta_5 = \frac{d_5}{b_5} = \frac{5}{3} = 1{,}667$$

$$D'_4 = c_4\xi_5 + b_4 = 1 * (-0{,}333) + 3 = 2{,}667$$

$$\xi_4 = -\frac{a_4}{D'_4} = -\frac{1}{2{,}667} = -0{,}375$$

$$\eta_4 = \frac{d_4 - c_4\eta_5}{D'_4} = \frac{4 - 1 * 1{,}667}{2{,}667} = 0{,}875$$

$$D'_3 = c_3\xi_4 + b_3 = 1 * (-0{,}375) + 3 = 2{,}625$$

$$\xi_3 = -\frac{a_3}{D'_3} = -\frac{1}{2{,}625} = \text{-}0{,}381$$

$$\eta_3 = \frac{d_3 - c_3\eta_4}{D'_3} = \frac{3 - 1 * 0{,}875}{2{,}625} = 0{,}81$$

Ноъмалум x_i ларни ҳисоблаймиз

$$x_{k_0} = \frac{\alpha_{k_0}\eta_{k_0+1} + \beta_{k_0}}{1 - \alpha_{k_0}\xi_{k_0+1}}$$ формуладан

$$x_2 = \frac{\alpha_2\eta_3 + \beta_2}{1 - \alpha_2\xi_3} = \frac{-0{,}375 * 0{,}81 + 0{,}905}{1 - (-0{,}375) * (-0{,}381)} = 0{,}375$$

$$x_1 = \alpha_1 x_2 + \beta_1 = -0{,}333 * 0{,}375 + 0{,}333 = 0{,}208$$

$$x_3 = \xi_3 x_2 + \eta_3 = -0{,}381 * 0{,}375 + 0{,}81 = 0{,}666667$$

$$x_4 = \xi_4 x_3 + \eta_4 = -0{,}375 * 0{,}667 + 0{,}875 = 0{,}625$$

$$x_5 = \xi_5 x_4 + \eta_5 = -0{,}333 * 0{,}625 + 1{,}667 = 1{,}458$$

Система ечими:

$$X = \begin{bmatrix} 0,208 \\ 0,375 \\ 0,667 \\ 0,625 \\ 1,458 \end{bmatrix}$$

5-§. Прогонка методининг қўланишга мисоллар

Дифференциал тенгламалар учун чегаралик масалаларни чекли айирмалар методлари ёрдамида ечиш уч диоганалли матрицали ЧАТС ни ечишга олиб келинади.

1- мисол. 1-тип чегаралик шартга эга қуйидаги 2-тартибли дифференциал тенглама берилган:

$$\begin{cases} y'' + p(x)y' + q(x)y = f(x), \qquad 0 < x < 1 \\ y(0) = 0, \quad y(1) = 1 \end{cases}$$

Дифференциал тенгламани сонли ечимини аниқлаш учун $[0,1]$ кесмани $x_i = ih, i = \overline{0,n}$ нуқталар ёрдамида тенг n кесмага ажратамиз. Бу ерда $h = 1/n$. Шунда чегалик шартлардан $y(x_0) = y(0) = 0$, $y(x_n) = y(1) = 1$ келиб чиқади. $y(x_i) = y_i$, $i = 0,1,2,...,n$ белгилашларни киритиб, дифференциал тенгламадаги ҳосилаларни қуйидаги чекли айирмали нисбатлар билан алмаштирамиз:

$$y'' = \frac{y_{i-1} - 2y_i + y_{i+1}}{h^2} + O(h^2)$$

$$y' = \frac{y_{i+1} - y_i}{h} + O(h) \qquad \text{- ўнг айирма}$$

$$y' = \frac{y_i - y_{i-1}}{h} + O(h) \qquad \text{- чап айирма}$$

$$y' = \frac{y_{i+1} - y_{i-1}}{2h} + O(h^2) \qquad \text{-марказий айирма}$$

$p(x_i) = p_i$, $q(x_i) = q_i$, $f(x_i) = f_i$ деб белгиласак, қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{y_{i-1} - 2y_i + y_{i+1}}{h^2} + p_i \frac{y_{i+1} - y_{i-1}}{2h} + q_i y_i = f_i, \quad i = \overline{1, n-1}$$

ёки тенгликнинг иккала тамонини $2h^2$ кўпайтириб, ўхшаш ҳадларни йиғсак

$$(2-p_i h)y_{i-1}+(2h^2 q_i-4)y_i+(2+p_i h)y_{i+1}=2h^2 f_i\,,\quad i=\overline{1,n-1}$$

$$y_0=0\,,\quad y_n=1$$

Уч диоганалли матрицали тенгламалар системасига эга бўламиз. Бу ерда

$$a_0=c_0=d_0=0,\quad b_0=1$$
$$a_i=2-p_i h,\quad b_i=2h^2 q_i-4,\quad c_i=2+p_i h,\quad d_i=2h^2 f_i\,,\quad i=\overline{1,n-1}$$
$$a_n=c_n=0,\quad b_n=1,\quad d_n=1$$

ва уни прогонка методлари ёрдамида ечиш мумкин.

2-мисол. Бир текли торнинг тебраниш тенгламаси қуйидагича ёзилади [13]:

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}=\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+f(x,t),\quad 0<x<1,\quad 0<t\le T\,.\ (1)$$

Торнинг бошланғич оғиши $u_0(x)$ ва даслабки тебраниш тезлиги $\overline{u}_0(x)$ ёрдамида

$$u(x,0)=u_0(x),\quad \frac{\partial u(x,0)}{\partial t}=\overline{u}_0(x)\quad (2)$$

кўринишдаги бошлагғич шартлар билан берилади. Торнинг чегара нуқталарининг тебраниши қуйидаги чегаралик шартлар билан берилган:

$$u(0,t)=\mu_1(t),\quad u(1,t)=\mu_2(t)\quad (3)$$

(1) тор тебраниш тенгламасини (2) бошлағич шартлар ва (3) чегаралик шартлар бажариладигандай этиб $\overline{D}=\{0\le x\le 1,\quad 0\le t\le T\}$ областда сонли ечиш талаб этилади.

Масалани ечиш учун $\overline{D}=\{0\le x\le 1,\quad 0\le t\le T\}$ областда $\overline{\omega}_{h\tau}=\{x_i=ih,\quad t=j\tau,\quad i=\overline{0,N_1},\quad j=\overline{0,N_2}\}$ тўрни киритамиз. Торнинг тенгламасида t ўзгарувчи бўйича иккинчи тартибли ҳосила қатнашганлиги сабабли қатламлар сони учтадан кам бўлмайди. Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$y = y^j, \quad \hat{y} = y^{j+1}, \quad \breve{y} = y^{j-1}, \quad y_t = \frac{\hat{y} - y}{\tau}, \quad y_{\bar{t}} = \frac{y - \breve{y}}{\tau}, \quad \Lambda y = y_{\bar{x}x}$$

$$y_{\bar{t}t} = \frac{y_t - y_{\bar{t}}}{\tau} = \frac{\hat{y} - 2y + \breve{y}}{\tau^2}, \quad y_{\overset{\circ}{t}} = \frac{y_t + y_{\bar{t}}}{2} = \frac{\hat{y} - \breve{y}}{2\tau}$$

Тор тенгламасидаги ҳосилаларни

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} \approx u_{\bar{t}t}, \quad \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \approx \Lambda u, \quad f \approx \varphi$$

формулалар бўйича чекли айирмали нисбатлар билан алмаштириб, қўйилган масалани ечишнинг айирмали схемасига эга бўламиз:

$$\begin{cases} y_{\bar{t}t} = \Lambda(\sigma\hat{y} + (1 - 2\sigma)y + \sigma\breve{y}) + \varphi, \quad \varphi = f(x, t_j), \\ y_0 = \mu_1(t), \quad y_N = \mu_2(t), \quad y(x,0) = u_0(x), \quad y_t(x,0) = \tilde{u}_0(x) \end{cases} \tag{4}$$

бу ерда $\Lambda y = y_{\bar{x}x}$ ва $\tilde{u}_0(x)$ ни $\tilde{u}_0(x) - \frac{\partial u(x,0)}{\partial t} = \tilde{u}_0(x) - \bar{u}_0(x)$ тақминий тенглик аниқлиги $O(\tau^2)$ бўладиган этиб оламиз. Чегаралик ва биринчи бошланғич шарт $u(x,0) = u_0(x)$ аниқ ҳисобланади.

Қуйидаги тенгликга этибор қаратайлик:

$$u_t(x,0) = \dot{u}(x,0) + 0{,}5\tau\ddot{u}(x,0) + O(\tau^2) = \bar{u}_0(x) + 0{,}5\tau\left(u''(x,0) + f(x,0)\right) + O(\tau^2) =$$
$$= \bar{u}_0(x) + 0{,}5\tau\left(u_0''(x) + f(x,0)\right) + O(\tau^2)$$

Агар

$$\tilde{u}_0(x) = \bar{u}_0(x) + 0{,}5\tau\left(u_0''(x) + f(x,0)\right) \tag{5}$$

деб олсак, у ҳолда

$$u_t(x,0) - \tilde{u}_0(x) = O(\tau^2)$$

бўлади.

Шундай қилиб торнинг тебраниш тенгламаси учун (4)-(5) айримали схемага эгамиз. $\hat{y}^{j+1}$ ни аниқлаш учун (4) –дан қуйидаги чегаралик масалага эга бўламиз:

$$\sigma\gamma^2\left(y_{i+1}^{j+1}+y_{i-1}^{j+1}\right)-\left(1+2\sigma\gamma^2\right)y_i^{j+1}=-F_i\,,\quad 0<i<N\,,\quad y_0=\mu_1\,,\quad y_N=\mu_2\,,$$
$$\gamma=\tau/h\,,\quad F_i=(2y_i^j-y_{i-1}^j)+\tau(1-2\sigma)\Lambda y^j+\sigma\tau^2\Lambda y^{j-1}+\tau^2\varphi \qquad (6)$$

Бу i индекс бўйича уч диогоналли алгебраик тенгламалар системаси бўлади ва уни прогонка методи ёрдамида ечишимиз мумкин. Прогонка $\sigma>0$ да маънога эга бўлади.

Айирмали схемада

$$A_i=\sigma\gamma^2\,;\quad B_i=\sigma\gamma^2\,;\quad C_i=1+2\sigma\gamma^2\,;$$
$$F_i=(2y_i^j-y_{i-1}^j)+\tau(1-2\sigma)\Lambda y^j+\sigma\tau^2\Lambda y^{j-1}+\tau^2\varphi;$$
$$y_0^j=\mu_1(t_j)\,,\quad y_N^j=\mu_2(t_j)\,,\gamma=\tau/h$$

$$\Lambda y^j=\frac{y_{i+1}^j-2y_i^j+y_{i-1}^j}{h^2};\varphi=f(x_i,t_j)$$

белгилашларни киритсак у ҳолда уч нуқтали

$$A_i y_{i-1}-C_i y_i+B_i y_{i+1}=-F_i\,,\quad i=1,2,...,N-1 \quad (7)$$

айирмали масалага эга бўламиз. Чегаралик шартимиз

$$y_0=\mu_1,\ y_N=\mu_2 \qquad (8)$$

кўринишда бўлади.

(7) масалани (8) чегаралик шартларга қараганда мураккаброқ бўлган қуйидаги шартларда ечамиз:

$$y_0=\kappa_1 y_1+\nu_1\,,\quad y_N=\kappa_2 y_{N-1}+\nu_2 \qquad (9)$$

Бу ерда $A_i,C_i,B_i,\kappa_1,\nu_1,\kappa_2,\nu_2$ лар берилган санлар.

Прогонка методи бўйича (7) айирмали тенгламанинг ечимини

$$y_i=\alpha_{i+1}y_{i+1}+\beta_{i+1}\,,\quad i=0,1,...,N-1 \quad (10)$$

кўринишда излаймиз. Бу ерда α_{i+1},β_{i+1} лар аниқланиши керак бўлган прогонка коэффициентлари. (10) ифодада i ни ўрнига $i-1$ ни олсак

$$y_{i-1}=\alpha_i y_i+\beta_i=\alpha_i(\alpha_{i+1}y_{i+1}+\beta_{i+1})+\beta_i=\alpha_i\alpha_{i+1}y_{i+1}+\alpha_i\beta_{i+1}+\beta_i$$

га эга бўламиз. (10) ва сўнги аниқланган тенгликларни айирмали тенглама (7) ге қўйсак қуйидаги тенгликни ёзишга бўлади:

$$A_i(\alpha_i\alpha_{i+1}y_{i+1}+\alpha_i\beta_{i+1}+\beta_i)-C_i(\alpha_{i+1}y_{i+1}+\beta_{i+1})+B_iy_{i+1}=-F_i$$

ёки

$$(\alpha_{i+1}(A_i\alpha_i-C_i)+B_i)y_{i+1}+((A_i\alpha_i-C_i)\beta_{i+1}+A_i\beta_i+F_i)=0$$

Сўнги тенглик тўғри бўлиши учун y_{i+1} олдидаги коэффициент ва озод ҳад нолга тенг бўлиши керак:

$$\begin{cases}\alpha_{i+1}(A_i\alpha_i-C_i)+B_i=0\\ (A_i\alpha_i-C_i)\beta_{i+1}+A_i\beta_i+F_i=0\end{cases}$$

Бу системадан α_{i+1},β_{i+1} ларни ҳисоблаш учун қуйидаги реккурент ифодага эга бўламиз:

$$\alpha_{i+1}=-\frac{B_i}{A_i\alpha_i-C_i}=\frac{B_i}{C_i-A_i\alpha_i};\quad \beta_{i+1}=-\frac{A_i\beta_i+F_i}{A_i\alpha_i-C_i}=\frac{A_i\beta_i+F_i}{C_i-A_i\alpha_i};i=1,2,...,N-1$$

α_1,β_1 лар (9) чегаралик шартлардан аниқланади. $i=0$ бўлганда (10) ифодадан ва биринчи чегаралик шартдан

$$y_0=\alpha_1y_1+\beta_1,\quad y_0=\kappa_1y_1+\nu_1\Rightarrow\alpha_1=\kappa_1,\beta_1=\nu_1$$

бўлиши келиб чиқади. Иккинчи чегаралик шартдан

$$y_N=\kappa_2y_{N-1}+\nu_2\Rightarrow y_{N-1}=\frac{y_N-\nu_2}{\kappa_2}$$

$i=N-1$ бўлганда

$$y_{N-1}=\alpha_Ny_N+\beta_N\Rightarrow\frac{y_N-\nu_2}{\kappa_2}=\alpha_Ny_N+\beta_N\Rightarrow(1-\kappa_2\alpha_N)y_N=\nu_2+\kappa_2\beta_N$$

ёки

$$y_N=\frac{\nu_2+\kappa_2\beta_N}{1-\kappa_2\alpha_N}$$

Шундай қилиб (7),(9) чегаралик масалаланинг аниқ ечими қуйидаги алгоритм ёрдамида аниқланади:

$$\begin{cases} \alpha_{i+1} = \dfrac{B_i}{C_i - A_i\alpha_i}; \beta_{i+1} = \dfrac{A_i\beta_i + F_i}{C_i - A_i\alpha_i}; i = 1,2,..., N-1 \\ \alpha_1 = \kappa_1, \beta_1 = \nu_1, \\ y_i = \alpha_{i+1}y_{i+1} + \beta_{i+1}, \quad i = 0,1,..., N-1 \\ y_N = \dfrac{\nu_2 + \kappa_2\beta_N}{1 - \kappa_2\alpha_N} \end{cases} \tag{11}$$

Бу ўнг прогонка, чап прогонка алгоритми шунга ўхшаш аниқланади

$$\begin{cases} \xi_i = \dfrac{A_i}{C_i - A_i\xi_{i+1}}; \eta_{i+1} = \dfrac{B_i\eta_i + F_i}{C_i - A_i\xi_{i+1}}; i = 1,2,..., N-1 \\ \xi_N = \kappa_2, \eta_N = \nu_2, \\ y_{i+1} = \xi_{i+1}y_i + \eta_{i+1}, \quad i = 0,1,..., N-1 \\ y_0 = \dfrac{\nu_1 + \kappa_1\eta_1}{1 - \kappa_1\xi_1} \end{cases} \tag{12}$$

Ноллик қатламдаги қийматлар, яъни $j = 0$ бўлганда $y(i,0) = y_i^0 = u_0(x_i)$ тенглик ёрдамида аниқланади. Биринчи қатламдаги қийматлар, яъни $j = 1$ бўлгандаги ечим қийматлари

$$y_t(x,0) = \tilde{u}_0(x) = \bar{u}_0(x) + 0{,}5\tau\left(u_0''(x) + f(x,0)\right)$$

тенгликдан фойдаланиб, $y_t(x,0) = \dfrac{y_i^1 - y_i^0}{\tau}$ бўлишини ҳисобга олиб қуйидагича аниқланади:

$$y_i^1 = u_0(x_i) + \tau \cdot \bar{u}_0(x_i) + 0{,}5\tau^2\left(\frac{u_0(x_{i+1}) - 2u_0(x_i) + u_0(x_{i-1})}{h^2} + f(x_i,0)\right)$$

Кейинги қатламдаги қийматлар ўнг прогонка (11) ёки чап прогонка (12) лар ёрдамида кетма-кет аниқланади.

Шундай қилиб торнинг тебраниш тенгламаси учун юқоридаги чегаралик масалани ечиш алгоритми қуйидагича бўлади:

$$x_i = ih, \quad i = o,1,2,\ldots,N_1, \quad h = 1/N_1$$
$$t_j = j\tau, \quad j = o,1,2,\ldots,N_2, \quad \tau = T/N_2$$
$$y_0^j = \mu_1(t_j), \quad y_N^j = \mu_2(t_j), y_i^0 = u_0(x_i)$$
$$y_i^1 = u_0(x_i) + \tau \cdot \overline{u}_0(x_i) + 0{,}5\tau^2 \left(\frac{u_0(x_{i+1}) - 2u_0(x_i) + u_0(x_{i-1})}{h^2} + f(x_i, 0) \right)$$

$$A_i = \sigma\gamma^2; \quad B_i = \sigma\gamma^2; \quad C_i = 1 + 2\sigma\gamma^2; \gamma = \tau/h$$
$$F_i^j = (2y_i^j - y_{i-1}^j) + \tau(1-2\sigma)\frac{y_{i+1}^j - 2y_i^j + y_{i-1}^j}{h^2}{}^j +$$
$$+\sigma\tau^2 \frac{y_{i+1}^{j-1} - 2y_i^{j-1} + y_{i-1}^{j-1}}{h^2} + \tau^2 f(x_i, t_j)$$
$$\alpha_{i+1}^{j+1} = \frac{B_i}{C_i - A_i\alpha_i^j}; \beta_{i+1}^{j+1} = \frac{A_i\beta_i^j + F_i^j}{C_i - A_i\alpha_i^j}; i = 1,2,\ldots,N-1$$
$$\alpha_1^j = 0, \beta_1^j = \mu_1(t_j),$$
$$y_i^{j+1} = \alpha_{i+1}y_{i+1}^{j+1} + \beta_{i+1}^{j+1}, \quad i = 0,1,\ldots,N-1$$

6-§. Прогонка методлари учун программа

Прогонка методлари ёрдамида ЧАТСларини ечиш тўғри ва тескари юришларга эга бўлиб, улар рекуррент формулалар ёрдамида амалга оширилишини кўрдик. Бу прогонка методини программалашни осонлаштиради. Бу бўлимда прогонка методларини қўлланиб ЧАТСларини ечишнинг қўлланувчи учун қулай график интерфейсга эга бўлган программасини яратиш масаласи қаралади. Бу масалани объектга йўналтирилган Excel учун VBA программалаш тилида ечамиз.

Ишни форма яратишдан бошлаймиз. ЧАТС параметрлари бўлган матрица элементлари ва озод ҳадларни прогрммага киритиш учун «Progonka» номли форма яратамиз.

Унга тенгламалар системасини ўлчамини киритиш учун *TextBox1* объектини жойлаштирамиз. Тенгламалар системаси ўлчами натурал сонлар бўлганликдан, бу ўлчамни танлаш имкониятини яратиш учун SpinButton1 объектини олиб, у билан *TextBox1* объекти ўртасида

Private Sub SpinButton1_Change()

Kvkoren.TextBox1.Text = Kvkoren.SpinButton1.Value

```
End Sub
```

